

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУХАНДИСЛИК  
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ**

**ОМОНОВ ХАЙИТБАЙ АХМАДАЛИЕВИЧ**

**ОВМИНЗАТОВ ТОҒИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ  
ВА МАЪДАНЛАШУВИ (МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ)**

**04.00.02 – Геология, қаттиқ фойдали қазилма конларини кидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

Омонов Хайитбой Ахмадалиевич Овминзатов тоғининг геологик тузилиши ва маъданлашуви (Марказий Қизилқум).....	3
Омонов Хайитбай Ахмадалиевич Геологическое строение и рудоносность гор Ауминзатау (Центральные Кызылкумы).....	22
Omonov Khayitbay Ahmadaliyevich Geology, structure and ore-bearing potential of the Auminzatau mountains (Central Kyzylcum).....	40
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУХАНДИСЛИК  
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ**

**ОМОНОВ ХАЙИТБАЙ АХМАДАЛИЕВИЧ**

**ОВМИНЗАТОВ ТОҒИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ  
ВА МАЪДАНЛАШУВИ (МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ)**

**04.00.02 – Геология, қаттиқ фойдали қазилма конларини қидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/GM21 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш қуйидаги веб-саҳифасида ([www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Зоя Мусаевна Абдуазимова</b> геология-минералогия фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Исаходжаев Бахтиёр Абдукаримович</b> геология-минералогия фанлари доктори, профессор <b>Исоков Максуд Узакович</b> геология-минералогия фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>«Марказий геология-геофизика экспедицияси» ДК</b>

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент, Т.Шевченко кўчаси, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz)).

Диссертация билан Минерал ресурслар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, г. Тошкент, Т.Шевченко кўч. 11а. Тел.: (99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ахунджанов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**К.Р.Мингбоев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

**Х.А.Ақбаров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, академик, г.-м.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида кончилик саноати тармоқлари учун қазиб олинмиши осон бўлган конларнинг тугаётгани, кундан-кунга захираларнинг сезирарли ўстириш мумкин бўлган ёпиқ майдонлардаги фойдали қазилма конларни излаб топиш ва ўзлаштириш заруриятини тақозо этади. Бу борада конларни фундамент тоғ жинслари чуқур горизонтларида излашни янги йўналишларининг назарий пойдеворини яратиш ва уларни илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда ёпиқ майдонларда фойдали қазилмаларни башоратлашда геодинамик эволюция ва геологик структураларни таҳлил қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларда, хусусан Франция, Россия, Канадада объектларни истиқболлилигини ва потенциалини аниқлаш имконини берадиган, минерал хомашё ҳосил бўлишини асосий босқичлари ва жойлашиш хусусиятларини белгилайдиган бурмали камарларни геодинамик реконструкция қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай илмий ёндашувнинг афзаллиги, башоратлаш тузилмаларининг ишончлилигини ошириш билан бир қаторда саноат аҳамиятига молик фойдали қазилмаларнинг истиқболли майдонларини самарали аниқлаш имконини беради.

Республикамизда минерал хомашё базасини кенгайтириш борасида муайян ютуқларга эришилаётган бўлиб, жумладан, Қизилкум ҳудудлари чуқур-горизонтларида янги олтин конлари аниқланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясида «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун «...алоҳида ҳудудларда табиий, минерал-хомашё, салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»<sup>11</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Овминзатов тоғининг геологик-тузилиши ва маъданлашувини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат кўмитаси тизимида ягона геологик хизматни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси фаолиятини тубдан мукамаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқудий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг - VIII «Ер ҳақидаги

---

<sup>1</sup> <sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мураккаб геологик тузилишга эга бўлган Қизилқум региони маъданли ва номаъдан фойдали қазилмалар сақланадиган макон сифатида доимо геологларнинг эътибори марказида бўлган. Саноат аҳамиятига эга бўлган объектларни аниқлаш учун ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб ушбу ҳудудда, шу жумладан Овминзатов майдонида 1960-йилдан то 2000-йилларга қадар кўплаб геологик, геофизик, ихтисослаштирилган мавзуга оид ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилган (Е.Т. Кононихин, Н.И. Поздняков, Г.И. Журавлев, Ю.Ф. Баскаков, А.К. Воронков, Х.С. Сарбаев, Е.Л. Спиридонов, В.В. Шкарупа, А.В. Толоконников, В.А. Аверочкин, И.Б. Тўрамуратов, Ю.К. Быковский, В.В. Смирнов, В.А. Коннов, Е.К. Дерюгин, С.Ю. Петров, В.С. Рыбин, В.М. Хейфиц), уларнинг натижалари Давлат геология кўмитаси ва экспедицияларнинг геология фондларида сақланаётган ҳисоботларда ёритилган.

Аммо, мазкур ҳудуднинг ўрганилганлик даражасига қарамай прогноз-металлогеник ва излашга оид тадқиқотларнинг назарий асослари ҳозирга қадар тўлиқ мукамалликка эга эмас эди, чунки уларда литосфера плиталарининг тектоник концепциясига асосланган янги ишланмаларни ҳисобга олмаган. Бунинг оқибатида, геология амалиётида геологик тузилиш тушунчаси, шу жумладан чуқурлик бўйича, маъданлашиш генезиси, маъдан назорати омилларининг ўзаро боғлиқлиги, маъданли уюмларни жойлашиш қонуниятлари бир хил тушунилмаган.

XXI аср бошларига келиб осон топиладиган конлар захираси тугаган. Ҳозирда ўрганилаётган ҳудуднинг бурмали асоси ва мезозой-кайнозой ғилофининг геологик тузилиши тўғрисида янги маълумотлар ва янги тасавурлар юзага чиққан бўлиб, улар қоплама-бурмали тузилмалар ва микститли комплекслар билан боғлиқ бўлган ноанъанавий позицияларда маъданли уюмлар тўпланиши мавжуд бўлиши мумкинлигини тахмин қилишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, ҳозирда муфассал ўрганишни талаб қилувчи бўр ва неоген-тўртламчи давр ётқизикларида юқори микдордаги камёб ер ва нодир элементлар бўлиши тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Прогноз қилиш-изохлашга доир тадқиқотларга нисбатан янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш зарурлиги юзага келди. Ушбу диссертация иши айнан шу муаммоларни ҳал қилишга бағишланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Овминзатов тоғларида геологик жиҳатдан сўнгги маълумотларни олиш учун кўшимча ўрганиш (ГДП-50) ва геологик хариталаш (ГГК-100)» (2011-2018) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Овминзатов тоғининг геологик тузилишини ҳамда олтин, уран, нодир ва камёб ер металлари маъданлашувини жойлашиш шароитларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Овминзатов тоғлари ва тоғолди районлари мезозой-кайнозой ҳосилаларининг геологик тузилиши хусусиятларини ўрганиш ва янгиланган геологик хариталарини тузиш;

Овминзатов тоғларида ривожланган бурмали-сурилмали комплексларнинг актуаллаштирилган легендасини ишлаб чиқиш;

микститли комплекслар, уларнинг ҳосил бўлиш механизми ва маъданли объектлар шаклланишидаги ролини ўрганиш;

олтин маъданлашувнинг геологик-структуравий шароитларини ўрганиш ва уларни жойлашиш қонуниятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** томезозой бурмали фундаменти ва уни қоплаб ётувчи мезозой-кайнозой ётқизиклари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Овминзатов тоғининг геологик тузилиши, тектоник структуралари ва фойдали қазилмалари танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ишлар жараёнида, қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда стратиграфик, тектоник-структуравий, формацион, геодинамик, мураккаб бурмаланган ҳосилаларни ўрганиш учун кўзда тутилган замонавий юқори аналитик лаборатория асбобларидан (масс-спектрометр ICP MS, РФА) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Овминзатов тоғлари томезозой ётқизиклари устсубдукцион-аккрецион комплексларининг геологик-тектоник тузилиши модели ишлаб чиқилган;

Овминзатов тоғларида ривожланган бурмали-сурилмали комплексларининг актуаллаштирилган легендаси ишлаб чиқилган;

Овминзатов тоғларининг тектоник тузилиши учта структуравий шарьяж қурилмали қаватлардан (альп, герцин, каледон) таркиб топганлиги асосланган;

олтин маъданлашувининг жойлашиши сурилмали структураларнинг кинематикаси шимолий-ғарбий ва шимолий-шарқий ер ёриқлари орқали аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:**

Овминзатов тоғлари ва ёндош ҳудудлардаги фойдали қазилмалар жойлашган мезозой-кайнозой ётқизикларининг янгиланган геологик харитаси тузилган;

Овминзатов тоғлари томезозой фундаменти юзасининг схематик геологик-структуравий харитаси тузилган;

Овминзатов тоғлари ёпиқ ҳудудларида геологик қидириш ишларини олиб бориш учун истиқболли майдонларни ажратган ҳолда маъдан потенциали баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Ўздавстандарт томонидан сертификацияланган лабораториялардаги атом-абсорбцион ва пробир таҳлиллари билан асосланган. Бу эса ўз навбатида, олинган маълумотларнинг ва маъданлашув бўйича таклиф қилинаётган табиий турларининг ишончлилигини оширади. Шу билан бирга, муфассал геологик кузатув нуқталарини тасвирлаш маълумотларини таҳлил қилингани натижаларнинг

ишончилигини таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Овминзатов тоғининг структуравий қайта қурилиши, конлар ҳосил бўлишининг асосий босқичлари ажратилгани, олтин ва б. фойдали қазилмаларни ер усти ва ер остида геология қидирув ишларини олиб боришнинг илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти структура ва минерагенясини расшифровкасида уни шакилланиш тарихи ва маъданлигини тасаввурига янги туртки берувчи геологик-тектоник ёндашувни қўллангани билан аниқланди. Истиқболли майдонларни ажратиш, янгиланган геология хариталарини тузиш ҳамда фойдали қазилмалар излаш бўйича геологик-қидирув ишларини мувофиқлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Овминзатов тоғлари ва тоғолди районларининг геологик тузилишининг ўзига хосликлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Овминзатов тоғининг 1:100 000 масштабдаги геологик харитаси «Регионал геология тасвирлаш экспедицияси» Давлат унитар корхонаси фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 4 октябрдаги 04/20-спр-сон маълумотномаси). Натижада ноанъанавий позициялардаги маъданли объектларни аниқлашга қаратилган башорат-металлогеник тадқиқотларни олиб бориш учун асос бўлиб хизмат қилган;

мувофиқлаштирилган легенда «Регионал геология тасвирлаш экспедицияси» Давлат унитар корхонасида жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 4 октябрдаги 04/20-спр-сон маълумотномаси). Натижада коллизия комплекслар ривожланган бошқа худудларнинг геологик харитасини тузишда илмий-услубий база бўлиш имконини берган;

Овминзатов тоғлари томезазой фундаменти юзасининг тузилган схематик геологик-структуравий харитаси «Регионал геология тасвирлаш экспедицияси» Давлат унитар корхонасида жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 4 октябрдаги 04/20-спр-сон маълумотномаси). Натижада маълум бўлган маъданли объектларнинг структуравий ўрнини аниқлаш ва мезозой-кайнозой ғилофи остидаги қидириш ишларини йўналтириш имконини берган;

олтинга истиқболли деб ажратилган тўртта участка «Регионал геология тасвирлаш экспедицияси» Давлат унитар корхонасида жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 4 октябрдаги 04/20-спр-сон маълумотномаси). Натижада Лолазор участкасида геологик қидирув ишларини олиб бориш ва олтин бўйича республика минерал хомашё базасини кенгайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 дан ортиқ, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10та илмий иш чоп этилган. Шулардан 6 таси тезис, 4 таси илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий



аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, етти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациясининг умумий ҳажми 126 матнли бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва талабгорлиги, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқотлар объекти ва предмети баён этилган, диссертация мавзусининг республика фанлари ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, диссертациянинг тузилиши ва нашр ишлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Худуднинг геологик ўрганилганлик тарихи**» номли биринчи бобида Овминзатов тоғларини геологик ўрганиш тарихи олдин олиб борилган геологик тадқиқотларнинг қисқача обзори ва уларнинг маъданли объектларни очиш соҳасидаги натижаларига баҳо берилган. Бу минтақанинг юқори даражада ўрганилганлигига қарамасдан баҳолаш-металлогеник ва қидирув тадқиқотларнинг назарий асослари мукамал эмаслиги ва янги стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этиши кўрсатилган.

Ўзбекистоннинг минерал хом ашё базасини кенгайтириш кўп томондан минтақанинг геологик тўзилишини ва ер пўстида ўзгаришларга олиб келган жараёнларни талқин қилишга боғлиқ. Бу фойдали қазилмаларнинг янги тўпламларнинг топиш имкониятини беради.

Диссертацияда Овминзатов майдони Овминзатов тоғлари, Жетимтов ва Белтов тепаликларини эгаллайди (расм 1). Ўтган 20 йил давомида тадқиқотчилар томонидан кўплаб олтин, кумуш, уран ва б. конлари разведка қилинди ва маъдан нишонлари топилди.


Диссертациянинг иккинчи «**Овминзатов тоғининг стратиграфияси**» бобида Овминзатовнинг хариталанувчи стратиграфик бирликлари – свита ва кенжа свиталарнинг географик тарқалиши, таркиби, ҳажми, генезиси, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Томезозой ҳосилалар учун бурмаланиш даражаси ва постседиментацион ўзгаришлари характери кўрсатилган.

Янгиланган геологик харитасида мезозой-кайнозой ётқизиклари свита ва кенжа свиталар рангида кўрсатилган бўлиб, улар биостратиграфик маълумотлар бўйича бир-биридан ҳосил бўлишининг ўзига хослиги бўйича ажратилади.

Томезозой фундаменти олдин свиталар тоифасида хариталанган юқори протерозой, ордовик ва девон ётқизикларидан иборат.

*Овминза свитаси  $PR_2$  ( $R_{1-2}$ ?) ат.* Урганилган майдонда рельефдаги пасткам участкаларни эгаллайди, шакли бўйича «яшил сланецлар» чўзинчок ва нотўғри таналарни ҳосил қилади, одатда тасқазғон свитаси  $R_3$  кварцитлари билан маконий боғлиқ. Свитани ёрқин яшил ва кулранг - ва тўқ-яшил рангли

яшилтошли тоғ жинслари - метаморфизми маҳсулотлари, углеродли-хлорит-серицитли, биотит-мусковит-хлорит-эпидот-альбитли сланецларга эга амфиболитли, актинолит-глаукофан-хлоритли, актинолит-хлоритли ва б. сланецга айланган, алмашилиб ётувчи асосли вулканоген жинслар ташкил этади. Тоғ жинслари чуқур ўзгаришларга учраган: дастлабки тоғ жинсларининг деярли тўлиқ қайта ўзгариши ва иккиламчи ясси текстураларнинг ривожланиши билан фаол бурмаланган ва катаклазлашган: (жуда сиқилган изоклинал бурмалар, кливаж, бластомилонитлар ва б.). Свитанинг кўринарли қалинлиги 300-1000м, ҳақиқий қалинлиги 100м дан ортиқ эмас. Свитанинг эрта-ўрта рифей ёши тасқазғон свитасидан  $R_3$  кесмада стратиграфик пастда тутган ўрни бўйича шартли аниқланган. Вулканилларнинг аосий массаси базитлар, камроқ асосли ва ультраасосли туфитли материал; ахёнда ультрабазитлар саналади.



Расм 1. Ўрганиш минтақасининг обзорли схемаси.

«Яшил сланецлар»  $Mo, Cu, Zn, Co, Ti, V, Cr, Mn, As, Ba, Cd$  нинг ўртача юқори миқдори билан характерланади.

*Тасқазғон свитаси -  $R_3$  ts.* Свита овминза свитаси «яшил сланецлар» орасида алоҳида массивлар (Косчека), қаторлар ва глибали горизонтлар шаклида очилиб ётади. Тасқазғон свитасига мансуб бўлган катта бўлмаган фрагментлари ва глибали таналар ёшроқ қуйи палеозой метатерриген ҳосилалари тарқалган қамбарда ривожланган. Тасқазғон свитаси тоғ жинслари кесмасининг пастки қисми йирик шарьяни ташкил этади (Р.Х. Миркамалов ва б. бўйича пастки қопламаси), қуйи палеозой роҳат свитасининг терриген ётқизиқларига тектоник ётиб, улар билан барча жойларда тектоник контактларга эга ва кўспақтов меланжи билан ажратилган. Свитани йўл-йўли углеродли кварцитлар ва микрокварцитлар ташкил этади, пастда хлорит-амфибол-альбитли, биотит-мусковит-хлорит-эпидот-альбитли сланецлар билан алмашилиб ётувчи – ўрта-океан тизмалари толеитли базальтлари метаморфизми маҳсулотларидан иборат. Кварцитлар

орасидаги карбонатли жинсларда микрофитолитлар – *Nubecularites antis* Z.Zhur, *Nubecularites cf. uniformis* Z.Zhur, *Vesicularites sp.*, кузатилади. Кўпчилик минтақаларда, шу жумладан Томдитов ва Букантовда кечки рифейнинг микрофоссилийлари ва невландли биотасига билан бирга учрайди. Энг янги U/Pb (SHRIMP) саналаш свита асосидаги метагабброидлардан олинган циркон бўйича ёши  $757 \pm 21$  млн. йил бўлиб, бу кечки рифейга тўғри келади (Р.Х. Миркамалов ва б. 2011).

Свита жинслари бурмали ва узилмали бузилишларга учраган. Уларда Au, Ag, Cr, V, As, Mn, P, Mo, Cd ва б. кимёвий элементлар микдорининг юқорилиги кузатилади (кларкидан бир қарра юқори). Тасқазғон свитаси қалинлиги 300м дан ортиқ эмас. Свита ётқизиқлари океан туби тепаликларидага рифтоген-спредингли вазиятда ва фаол вулканизм режимида шаклланган. Бу ҳақда толейтли базальтли океан формацияси учраши, юқори микдордаги углеродли модданинг мавжудлиги, бўлакли материалнинг учрамаслиги далолат беради.

*Қўрғонтов свитаси* –  $O_1$  kr. Белтовнинг марказий қисми ва Овминзатов тоғларида Шўхтов-Қоратов қаторининг жанубидага тор қамбарни ташкил этади. Олдин у «бесапан свитасининг қуйи кенжа свитаси» қаблида ажратилган. Свитани пелит-алебр-псамитли структурага эга метатерриген тоғ жинслари ташкил этади, уларнинг орасида иккиламчи ясси текстуралар фаол ривожланган сланецларнинг кулранг ва тўқ-кулранг углеродли-биотит-хлорит-кварцли, углеродли-биотит-альбит-кварцли турлари устиворлик қилади. Уларнинг қуйи ордовик ёши хитинозойлар: *Desmochitina aff. Ornensis* Paris., *Desmochitina minor* Eisen. ва б. билан асосланган. Қалинлиги 450-500 м дан ортиқ эмас. Свита чўкиндиларининг шаклланиши денгиз тубининг пасткам участкаларида амалга ошган.

*Роҳат свитаси*  $O_1^2$ - $O_2$  rh. Овминзатов тоғларининг шимолий-шарқий ва шимолий ёнбағирларида ва Белтов очилиб ётади. У тасқазғон  $R_3$  свитаси ва қўспақтов қатламаси билан ўзаро тектоник муносабатга эга. Кесма тузилган: қуйи қисмини биотит-хлоритли, альбит-хлорит-кварцли сланецларга айланган углеродли - гилли-слюдали сланецлар ва алевролитлар; метақумтошлар, гравелитлар ва гравийли қумтошлар қатламчаларига эга, биотит-хлорит-кварцли, альбит-кварцли, слюда-кварцли сланецларга айланган метаалевролитлар ташкил этади. Жинсларнинг ёши бошқа минтақаларда микрофоссилийларнинг эрта-ўрта ордовик комплекси таркибига кирувчи хитинозойлар - *Desmochitina cf. juglandiformis* Paris, *Desmochitina minor f. socca* Eisenack., *Conochitina sp.*, билан белгиланади. Қалинлиги 300-400м.

*Мурун свитаси* –  $O_3$  tr. Мурун свитаси тоғ жинслари Овминзатов тоғларининг ғарбий чети жанубида кенглиги 0,3км дан 1км гача борувчи тор қамбар шаклида очилиб ётади. У Белтовнинг Осовкак ва Қўсмурунтумсуқ тепаликлари районида энг кенг тарқалган. Свита остида косманачи қатламаларининг микститли ҳосилалар ётади. Мурун свитаси кесмаси роҳат свитаси ҳосилаларига нисбатан суст метаморфлашган кўпинча гравийли қўшимчали қумтошлар, алевролитлар ва гилли-слюдали сланецларнинг

ритмик алмашиб ётувчи (метапеллитлар) жинслардан иборат. Бу жинсларининг характерли хусусияти бўлиб тамаки-яшил, кулранг-яшил ранги, градацион қат-қатли қатламлар, мегаконкрециялар, гиероглифлар (ряб белгилари, оқимлар, чўкиндилариларнинг оқиши ва ботиши излари) учраши, алоҳида пачкаларнинг флишли тузилиши (расм 6,7), ҳосилаларнинг турбидли генезисни кўрсатувчи текстура белгилар саналади.

Кечки ордовик ёши Томдитовдаги палеонтологик асосланган шундай ётқизиклар билан таққосланиши бўйича белгиланган. Қалинлиги 350-400м. Пастки контакти текис, барча жойларда тектоник брекчияланиш зонаси билан ифодаланган, юқори даражада сланецланган, гидротермал қайта ишланган. Свитанинг тоғ жинслари қуйи девон жинғилди свитаси  $D_{1dz}$  карбонатли ётқизикларини қоплаб ётади. Ўрганилган ҳудудларда бу контакт бузилган. Бузилмаган стратиграфик номувофиклик Аристонтов ва Томдитовда сақланган.

*Жинғилди свитаси* -  $D_{1dž}$  карбонатли жинслари майдоннинг марказий қисмида синклинал структураларни ташкил этиб, улар шимолий-ғарбий йўналишда 30 км дан ортиқ масофага чўзилган. Довғизтов ва Овминзатов тоғларининг марказий қисмида улар биринчи марта А.Д. Рахимов томонидан 2013 йили ажратилган ва палеонтологик асосланган. Қалинлиги 60-70-270-300 м. Девон ётқизикларининг карбонатли жинслар – доломитлар ва оҳактошлардан иборат бўлиб, уларнинг орасида кесманинг устки қисмида гилли-доломитли алевролитлар кузатилади. Ёши амфипоралар, маржонлар ва криноидеялар бўйича аниқланган. Қалинлиги 60-70 дан 270-300 м гача.

*Жалғизтов свитаси*  $D_{2džl}$ . Свита қуйи девоннинг жинғилди свитаси массив доломитларига мувофиқ ётади. У Белтовда кенг ривожланган, Тумшук ва Жасаул синклиналлари ташкил этади. Текстуравий хусусиятлари ва петрографик таркиби бўйича свита иккита кенжа свитага бўлинади. Қуйи кенжа свита кесмасини кулранг ва тўқ-кулранг йирик- ва юпқа қатламли оҳакли доломитлар, доломитларнинг алмашилиб ётувчи юпқа- ва микроқатламли гилли ва гилли-оҳакли турлари ташкил этади. Қалинлиги 324-340м. Юқори кенжа свита доломитларнинг кулранг-оч-кулранг гилли ва гилли- оҳакли турларидан иборат, уларнинг орасида гилли-доломитли алевролитлар устиворлик қилади. Қалинлиги 800м гача. Ўрта девон ёши строматопоратлар - *Clathrodictyella* sp. (ex gr. *pulchra* Vog.), *Amphipora* sp., *Dendrostroma* sp., *Stachyodes* ex sr. *gracilis* Yvor. бўйича аниқланган.

Овминзатов тоғларида анъанавий маҳаллий стратиграфик бирликлардан (свита, кенжа свита) ташқари микститли ҳосилалар – томезозой кесмасида муайян текстуравий ўрин тутган тектоник ва тектоник-гравитацион келиб чиқишга эга қатламалар ажратилади. Уларга меланжланган қатлама - кўспақтов меланжи, тектонитлашган косманачи ва захқудуқ олистостроми мансуб. Бу қатламалар маконда аниқ чегараланган хариталанувчи геологик таналар бўлиб, уларнинг тузилишида минтақада кечган тектоник-геодинамик жараёнлар ҳақида маълумот берувчи нафақат глибалар, балки танилувчи свиталарнинг фрагментлари қатнашади. Бундай ҳосилалар маъдантутувчи

бўлиб саналади ва «Маъдандор...» бўлимида таърифланган. Улар янгиланган геологик хариталарда кўрсатилиши мумкин, чунки муайян литологик ҳажм ва чегараларга эга.

*Мезозой ва кайнозой ётқизиқлари* табиий очилмаларда маълум ва кўп сонли структуравий бурғи қудуқлари ёрдамида очилган. Уларнинг энг қариси ўрта-кечки юранинг ола-чипор рангли *кудуқ-сарботир свитасининг* ётқизиқлари саналади. Уларнинг устига стратиграфик номувофиклик билан юқори бўр жинслари ётади.

*Бўр ётқизиқлари* Овминза-Белтовнинг шимолий, жанубий, ғарбий ва жанубий-шарқий ёнбағирларида ривожланган, улар кўп сонли структуравий бурғи қудуқлари ёрдамида очилган ва табиий очилмаларга эга. Бўр ётқизиқлари органик қолдиқларнинг (моллюскалар, форминифералар, острокодалар) кўп сонли комплексларини ўз ичига олувчи саёз сувли соҳилбўйи-денгиз ва кўл-ботқоқлик чўкиндиларидан иборат. Минтақада энг қадимий ётқизиқлар бўлиб палеозой жинсларига трансгрессив ётувчи юқори апт ётқизиқлари саналади.


Қуйи бўр ётқизиқларига мансуб: калота  $K_1 a_3 kl$ , жаманяр  $K_1 al_1 dz$ , узунқудуқ  $K_1 al_3 uz$ , шуруқ  $K_1 al_3 šz$ , свиталари; юқори бўрга: довғизтов  $K_2 dn$ , учқудуқ  $K_2 s_3 uc$ , жайрантўй  $K_2 dž$ , киндиктўба  $K_2 kn$ , лавлав  $K_2 t_3 st$ , қинир  $K_2 t_3 st kn$ , қарақотая  $K_2 km-m kr$  свиталари.

*Палеоген свиталарига* мансуб: қозоқтов  $P_1^2 t kz$ , нура  $P_2^1 i nr$ , суграли  $P_2^{1-2} i-lt sg$ , қултобон  $P_2^2 b klt$ , марал  $P_2^3 p mg$  ва сарботирнинг пастки қисми  $P_3-N_1^1 sr$ .

Диссертациянинг учинчи «**Овминзатов тоғининг тектоник тузилиши**» бобида Овминзатов тоғининг тектоник тузилиши минтақада ўтказилган тектоник-структуравий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларни замонавий талқин қилиш орқали ёритилади. Ўрганилган ҳудуднинг тектоник структураси учта: альп, герцин ва каледон қаватидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири фойдали компонентлар тўпланиши ва маъданли объектлар шаклланишига таъсир кўрсатган ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўрганилган ҳудуддаги тектоник структуралар учта структуравий қаватлардан: мезозой-кайнозой чўкинди денгиз саёзликлари ва кўл-ботқоқлик ҳосилаларидан таркиб топган - альп; одатда синклиналлар муълдаларида ва тектоник чешуяларда сақланиб қолган қуйи ва ўрта девоннинг редукцияланган кесмаси қолдиқларидан ва фрагментларидан иборат - герцин; ичида тектонитлашган микститли ҳосилалар сақланиб қолган кўп қопламли шарьяж қурилмалари-каледон. Альп қавати ҳосилалари учун нодир ва нодир-ерли элементларнинг юқори миқдори характерли. Аммо маъданли объектларнинг катта қисми кучли тектонитлашган каледон қавати ҳосилалари билан боғлиқ. Уларнинг мураккаб ички структураси бурмали-устсурилмали жараёнларнинг бир неча босқичлари туфайли вужудга келган. Герцин ва каледон босқичларида ётқизиқлар бурмалар сериясига, шу жумладан, антиформа ва синформаларга бурмаланган, устсурилмали тектоника билан мураккаблашган. Барча қайта ўзгаришлар натижасида

томезозой фундаменти структураси қуйидагиларни ўз ичига олади: устки ва пастки автохтон қопламалари, герцин - карбонатли комплекс. Бу структуравий-формацион комплекслар тектоник ва тектоник-гравитацион келиб чиқишга эга бўлган микститли қатламалар билан ажратилган (расм 2) Минтақада маъданли объектлар наволокларнинг остида ва микститли қатламаларда, айнан тектонитлашган зоналарда жойлашган.



Расм 2. Тектоник-стратиграфик устун.

*Устки қоплама.* Бу структуравий бирлик шарьяж остида жойлашган роҳат свитасига  $O_{1-2}$  устсурилган мурун свитаси  $O_3$  *mr* терриген-флишоид формациясидан иборат.

*Мурун свитаси* асосида косманачи қатламаси - меланжланган олистостром ётади. Унинг характерли хусусияти бўлиб литологик таркибининг хилма-хиллиги, мураккаб линзасимон тузилиши ва нураган шароитда рангининг турли-туманлиги саналади. Бу белгилар Қизилқум тадқиқотчилари орасида кенг тарқалган «ола-чипор бесапан» номини олишга сабабчи бўлган. У минтақада маъдантутувчи ҳисобланади. Қатлама учун тоғ жинсларининг кучли ўзгарганлиги характерли бўлиб, унда милонитизация зонаси фаол ривожланган. Юпқа сланецланган масса орасида мустаҳкам жинслар-гравелитлар, гравийли қумтошлардан иборат бурмалар қулфларининг фрагментлари учрайди. Қатламада ювилиш юзалари билан ажралган юқори протерозойнинг турли ёшли ва турли фацияли ҳосилалари,

юқори кембрий-қуйи ордовикнинг кремний-карбонатли, оҳактош-кремний-сланецли, қуйи ордовикнинг сланецлари, ўрта-юқори ордовикнинг терриген ётқизиқлари ривожланган. Бу ётқизиқлар Нурота тизмасида Нурота-Латибанд СМК ёки унинг муқобиллари–Букантовнинг жанубидаги Эрларота СМК да ривожланган яхши танилувчи свиталар кесмасининг фрагментлари бўлиб саналади. Эҳтимол, косманачи қатламаси фаол тектонитлашган мураккаб тузилган олистостромдан ёки тектоник меланждан иборат. Унинг ётқизиқлари учун деярли параллел қанотларга эга зич сиқилган изоклинал бурмалар характерли. Бурмаларнинг ўқ текислигига параллел сланецланишни белгиловчи ва қатламланишни тўсувчи кливажлар ривожланган.

Косманачи қатламаси ҳосилалари постседиментацион қайта ўзгариш даражаси бўйича мурун свитаси  $O_3$  жинсларидан кучлироқ интенсивлиги билан сезиларли фарқ қилади.

*Пастки қоплама* овминза  $R_{1-2}$ ? ва тасқазғон  $R_3$  свиталари вулканоген-карбонат-кремнийли формациясидан иборат. Унинг таркибида амфиболитлар, актинолит-глаукофан-хлоритли, актинолит-хлоритли, эпидот-альбитли ва б. сланецларга айланиб кетган овминза свитаси асосли вулканоген жинслари маҳсулотлари ва тасқазғон свитаси  $R_3$  кесмасининг асосидаги углеродли кварцитлар, мрамарлашган оҳактошлар ва доломитлар ҳамда хлорит-актинолит-эпидот-альбитли сланецларга айланиб кетган метабазальтлар ажратилади. Метабазальтларнинг петрокимёвий маълумотлари уларнинг океан пўсти толеитли туркумига мансублигини кўрсатади (П.А. Мухин ва б. 1985).

Пастки қоплама ҳосилалари паст нишабликдаги устсурилма (шарьяж) бўйича устки қопламанинг флишоид формацияси ва у, ўз навбатида, автохтонга киритилувчи роҳат свитаси метатерриген комплекси ҳосилаларига тектоник ётади. Пастки қопламанинг тутган аллохтон ўрни синформалар мультасида свиталар ётиши характерини белгилайди.

*Автохтон* сифатида роҳат  $O_{1-2} rh$  свитасининг метатерриген формацияси ажратилади. Унинг устида ва пастида ётувчи ётқизиқлар билан ўзаро муносабати тектоник. Роҳат свитаси учун зич сиқилган изоклинал бурмалар характерли; бурмаларда қатламлилиқдан ташқари, олдинги сланецланиш эгилган, ясси мўлжалланган биотит ва хлорит чешуйкалари парагенезиси билан ифодаланган ёки кварц, альбит, биотит, мусковит ва хлоритдан иборат метаморфик йўл-йўллик кузатилади. Бундай муносабатлар илгари метаморфизмга учраган жинсларга изоклинал бурмаланишнинг устама тушганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, бу қатлама учун деформациянинг икки босқиччилигининг ишончли белгиси ҳисобланувчи плойчали кливаж характерли.

Тасқазғон свитаси ички структураси учун деформация ва у билан боғлиқ метаморфизмнинг икки: эрта ва кечки генерацияси характерли. Кейинги бурмалар субкенглик ва шимолий-ғарбий йўналишларга эга. Бурмалар кварцитлар ва метабазитларда аниқ қайд этилади.

Роҳат свитасидан фарқли ўлароқ, тасқазғон свитасида эрта генерация бурмалари кенг ривожланган бўлиб, улар кварцитларда жуда аниқ қайд этилади.

*Коспақтов меланжи.* Унга пастки қоплама остидаги наволок зонасини тўлдирувчи микстит катламаси киритилган. Коспақтов меланжи дезинтеграцияланган жинслар билан тўлдирилган, тасқазғон ва роҳат свиталарининг блокларини ўз ичига олувчи, литологияси сақланиб қолинган, ўлчамлари бирнеча сантиметрлардан юзлаб метрларга боровчи зонани ташкил этади. Тўлдирувчи масса тўқ кулранг ва қора фаол сланецланган, кливажланган сланецлардан иборат бўлиб, метаморфизм жараёнида углеродли-биотит-хлорит-альбит-кварцли сланецларга айланиб кетган метаалевролитларнинг сийрак қатламчаларига эга (расм 3,4).



*Расм 3. Овминзатов тоғининг зарбий қисмида бурмаланган тасқазғон свитасининг сланецлашган йўл-йўлли кварцитлари.*



*Расм 4. Тасқазғон свитасидаги R<sub>3</sub> чизиқлилиги ва сирпаниши ойнаси, Шохетов, Фарбий Овминзатов.*

*Герцин қопламаси.* Герцин қопламасини каледон бурмали комплекс остига сурилган мураккаб генезисдаги олистостромдан иборат захкудук микститли катламаси ташкил этади деб тахмин қилинади. Эҳтимол, унинг Кулжуктовдаги муқобили таушан свитасидир. Унинг структуравий тутган ўрни бўйича бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Бундай муаммони ечиш учун тафсилий тектоник-структуравий тадқиқотлар ўтказиш лозим.

Қопламаларнинг остида ривожланган устсурилма кинематика зонасида коллизион боскичда (герцин), бурмали қурилмалар консолидацияси даврида ҳосил бўлган аксузилма-силжима характеридаги катта бурчакда ётувчи ер ёриқлари кенг ривожланган. Уларнинг орасида блоклар аниқ силжиган ва аниқ силжимаган юқори даражада дарзлашган зоналар мавжуд. Кейингилари билан майдоннинг деярли барча маъданли объектлар боғлиқ.

Тўртинчи «**Овминзатов тоғининг магматизми**» бобида ўрганилган минтақада жойлашган эффузив ва интрузив ҳосилаларнинг таркиби, ёши, ётиш шакли таърифланади. Ҳар бир магматик тана учун формацион мансублиги кўрсатилган.

Овминзатов тоғлари майдонда магматик тоғ жинслари кўп тарқалмаган. Улар таркиби, ёши ва ётиш шакли бўйича турли-туман эффузив ва интрузив ҳосилалардан иборат. Стратиграфия бобида таърифланган энг қадимий ҳосилалар бўлиб овминза свитасининг яшилтошли тоғ жинслари ва тасқазғон свитаси метабазитлари саналади.



Магматик тоғ жинслари ўрганилган майдонда бир қанча интрузив массивлардан иборит бўлиб, улар захкудук гранодиоритли, шўхтов лейкогранитли ва қулжуқтов габбро-гранитоидлар комплексларидан иборат.

Захкудук гранит-гранодиоритли комплекс -  $\gamma\text{-}\gamma\delta P_{1z}$ , Шохетов лейкогранитли комплекс-  $\gamma P_{1sh}$ , Қулжуқтов габбро-гранитоидли комплекс –  $\nu C_{2-3} k$ ,  $\gamma\text{-}\gamma\delta C_{2-3} k$  ва бурғи қудуқлари ёрдамида Мингчуқур интрузив биотит-порфирли гранитлар очилган.

Диссертациянинг бешинчи «Томезозой фундаменти бурмали-устсурилмали комплексининг актуаллаштирилган легендаси модели» бобида, минтақанинг мураккаб қоплама-бурмали тузилишини, хариталанувчи бирликларнинг замонавий структуравий ўрнини ҳисобга олувчи геологик харитага легенда тузиш асосланади. Биринчи бор Қизилкумнинг, шу жумладан Овминзатовнинг геологик харитаси учун маъдандор ҳисобланувчи ўзига хос микститли қатламаларни ажратиш ва хариталаш зарурияти исботланади. Бу ноанъанавий структуралардаги маъданли объектларни қидириш стратегиясининг янги йўналишини таъминлайди.

Диссертациянинг олтинчи «Овминзатов тоғининг маъдандорлиги» бобида Мураккаб бурмаланган фундамент ва метаморфизмга учрамаган мезозой-кайнозой қопламаси металогеник хусусиятлари кўриб чиқилган.

Маъданли объектлар конлари жойлашувидаги геологик-структуравий позициясининг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатадики, бурмали фундамент ҳосилаларида бош металли фойдали қазилма бўлиб Au, Ag, U саналади ва Cu, нодир ва нодир-ерли элементлар ҳозирча саноат аҳамиятига эгамас.

Уларнинг жойлашувида энг қулай позициялар бўлиб шарьяжлар туркумидаги наволоклар зонасининг остки қисми, тектонитлашган зоналар-миститли комплекслар, қовушоқ ер ёриқлари ҳамда бўйлама шимолий-ғарбий ва кўндаланг шимолий-шарқий йўналишдаги ер ёриқларининг тектонитлашган кесишув оралиқлари саналади.

Маъданлашув бурмаланиш ва дарзланишнинг маҳаллий зоналари, шимолий-ғарбий, субкентлик ва субмеридионал йўналишдаги тектоник структураларнинг кесишиш тугунларидаги кварц-серицитли ва березитсимон метасоматитларнинг кенг ореолида жойлашган кварц-томирли ҳосилалари билан назорат қилинади.

*Довғизтов кони* терриген-флишоидли мурун свитада жойлашган ва катта бурчакда ётувчи шимолий-шарқий ер ёриқларида ривожланган бўлиб, узунлиги 2400 м гача ва қалинлиги 4 дан 115 м гача борадиган минераллашган зоналардан иборат. Унда бир-бирини йўналиши бўйича кулиссимон алмаштирувчи узунлиги бир неча ўн метрдан юзлаб метрларгача чўзилган олтинмаъданли таналар жойлашган.

*Омонтойтов кони* роҳат свитасининг қум-сланецли ётқизикларида жойлашган. Коннинг тутган ўрни «от думи» туркумидаги тармоқланувчи кентликка яқин тектоник зонанинг тугаш қисми билан белгиланади. Бу структура тоғ жинсларининг фаол бурмаланиши, юқори даражада дарзланиши, брекчияланиши, милонитизацияси бўйича ажратилади.

*Высоковольтное кони* шимолий-шарқий, шимолий – ғарбий ва кенглик йўналишларидаги узун ер ёриқлари зонасидан иборат.

*Ажибугут кони.* Олтин тутувчи минерализация углерод-серицитли сланецларда шарқ-жанубий-шарқий йўналишларидаги 2 км дан ортиқ масофага чўзилган тектоник структуралар бўйлаб жойлашган.

*Уранли объектлар,* одатда, экраности позицияда жойлашган ва пастки копламинг остидаги ковушоқ ер ёриқлари зонасида кузатилади (тасқазғон свитаси) ва катта бурчакда ётувчи ер ёриқлари билан чегараланган. Уран нишонлари маъданларини аниқ ифодаланган углерод-кремнийли сланецлардаги полиген серияга киритиш мумкин.

*Жантовур кони.* Коннинг структуравий плани йирик ер ёриқлари шимолий-ғарбий йўналишдаги: шимолда - Сквозний ва жанубда – Шохетов орасида тутган ўрни билан белгиланади. Субкенгликдаги Дайкали ер ёриғи билан кон участкаси бир хил даражада маъданга тўйинган иккита палахса: Марказий ва Чўкурга бўлинади.

*Косчека кони.* Геологик тузилишида ШФ йўналишдаги тор чизикли бурмаланган тасқазғон свитасининг жинслари қатнашади. Пликатив структуралар орасида марказий ўринни ядроти овминза свитасининг яшил сланецларидан иборат Зеленая антиклинали эгаллайди.

*Рудное кони.* Маъданлашув дарзлашган углерод-кремнийли жинсларда, милонитлашган ва каолинлашган филлитсимон сланецларда, озроқ метабазитларда формацияоралиғи устурилмали зоналар бўйлаб ва қатлам оралиғи узилмаларда жойлашган; Жуда кам ҳолларда катта бурчакда ётувчи силжима зоналарида кузатилади.

*Мезозой-кайнозой қопламаси ётқизикларининг металлогеник ихтисослашуви.* Мезозой-кайнозой қопламаси ҳосилалар нодир-ерли элементлар тўпланишига ихтисослашган.

Баъзи нодир-ерли элементлар ва уларнинг диспрозили ва иттербийли кенжа гуруҳи оғир лантоноидлар миқдорининг юқорилиги юранинг қудуқ-сарбатир свитаси кўл-ботқоқлик генезисдаги қурумли кўмир қатламчаларига эга гравелитларда, кумтошларда ва гилларда кузатилади.

Геохимёвий маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мезозой ва кайнозой ётқизиклари иттербийнинг юқори концентрацияси (1,0 дан 10,0г/т гача) билан характерланади, нодир-ерли элементларнинг ярми субаномал характерга эга, кларкидан 5 мартадан ортиқ. Нодир-ерли элементлар гуруҳининг юқори концентрацияси қуйидагича: La (50,6 г/т гача), Ce (364,7 г/т гача), Pr (29,9 г/т гача), Nd (110,0 г/т гача), Sm (27,9 г/т гача), Eu (3,17 г/т гача), Gd (28,4 г/т гача), Dy (24,0 г/т), Ho (3,69 г/т), Er (до 10,0 г/т), Yb (10 г/т гача) ва Y (110 г/т гача).

Диссертациянинг еттинчи **«Овминзатов тоғларида олтин маъданли объектларнинг маъдан назоратловчи омиллари»** бобида олтин маъданли ва бошқа фойдали қазилма нишонлари жойлашувининг бош омилларини аниқлаш баҳолаш ва қидириш ишлари самарадорлигини оширишнинг керакли шарти ҳисобланади.

*Литологик омил.* Энг муҳим башорат-қидирувнинг далада осон таниладиган белгилар бўлиб тоғ жинсларининг *сульфидлиги ва углеводлиги даражаси* саналади. Маъдан ва маъдан қамровчи жинсларнинг таркиби олтин-сульфидли формация объектларида (Довғузтов, Сариботир, Қўлчитов, маъум даражада Ажибугут) чўкинди-диагенетик сульфидлар миқдори 1% ортиқ бўлган муҳитларда саноат маъданлашуви пайдо бўлишдан далолат беради. Уларнинг постдиагенетик (қолдиқ) углеводлиги фойизнинг улушларидан то 2-3% гача ўзгариши мумкин.

*Маъдантутувчи қатламалар жинсларининг метаморфизми* (минтақавий, динамотермал ва маҳаллий) далада яхши танилувчи олтинмаъданли конларнинг (далалар ва тугунларнинг) маконий жойлашувига «анча» аниқлик киритади.

Интрузив магматизмнинг ролини истесно қилмасдан туриб, маҳаллий метаморфизмнинг кириши ва метасоматик қайта ўзгариши бу ҳолларда минтақавий метаморфизмнинг термоаномал участкаларда вужудга келган структуравий-текстуравий-минералогик муқобилларидан фарқлаш қийин.

*Структуравий назорат* энг муҳим омил саналади, чунки у олтинмаъданли объектларнинг маконий жойлашуви тўғрисида маълумотлар беради. Конлар шаклланишидаги бу омилга айниқса кучли эътибор қаратилган, чунки айнан шу қаркас маъдантутувчи қатламаларнинг метаморфоген-метасоматик қайта ўзгаришида ҳаракатчан маҳсулотларнинг йўналган миграцияси ва концентрациясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Майдонда маъданлашувнинг тақсимланишига таъсир кўрсатувчи асосий структура элементлари бўлиб саналади: *устсурилмаларнинг маъдан экранловчи юзалари, пликатив структуралар; бурмаланиш зонаси (динамометаморфизм зонаси); мустаҳкам палахсалар; маъдан назоратловчи ер ёриқлари ва уларнинг бирга учраши.*

Маъданларнинг, айниқса олтин-сульфидли томирча-хол-холли жойлашувида, одатда тасқазғон свитаси доломит-кремнийли, карбонатли қатламалари, метабазальтоидлардаги устсурилмаларнинг остки ва устки маъданэкранловчи юзалари муҳим рол ўйнайди.

*Минерал-геокимёвий белгилар.* Олтин ва кумушнинг барча конлари учун пирит, арсенопирит, соф олтин, кумушнинг сульфидлари ва сульфосоллари, кварц, серицит, хлорит, карбонатлар иштироки характерли, уларнинг хилма-хиллиги чўкинди-диагенетик, метаморфоген, метасоматик ва томирли минерал парагенезисининг миқдорий ва структура-текстуравий нисбати билан белгиланган. Хусусий олтинмаъданли концентрация ҳар бир алоҳида олинган объектда бир-икки (ахёнда кўпроқ) маҳсулдор минерал мажмуалар ривожланиши билан юзага келган, моддий томондан динамотермал мета-қайта ҳосил бўлиши билан боғланган тодевон структуравий-формацион қаватнинг маъдан назоратловчи вулканоген-терриген-чўкинди қатламалари билан боғлиқ.

## ХУЛОСА

«Овминзатов тоғининг геологик тузилиши ва маъданлашуви (Марказий Қизилқум)» мавзуси бўйича докторлик диссертациясига (PhD) оид ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар чиқарилган:

1. Овминзатов тоғлари учун океан плиталарининг тузилиши ва маъданли уюмларни шаклланишининг ўзига хослиги тўғрисидаги замонавий билимларни ҳисобга олган ҳолда субдукцион-аккрецион комплекс устидаги томезазой ётқизиқларининг геологик-тектоник модели асосланди ва амалиётга фойдаланиш учун тавсия этилди.

2. Овминзатов тоғларида ривожланган, хариталанаётган бўлинмаларнинг дастлабки стратиграфик кетма-кетлигини ва структуравий ўрнини акс эттирувчи бурмали-узилмали комплексларининг мувофиқлашган легендаси хариталаш ишларида асос сифатида хизмат қилиш кераклиги белгиланган.

3. Овминзатов тоғининг томезазой фундаменти юзсаининг янгиланган схематик геолого-структуравий харитаси тузилган бўлиб, маъданли уюмлар аниқланишига энг истиқболли ҳисобланадиган бурмали, узилмали бузилмаларни ва тектониклашган қатламларни ўз ичида акс эттирган ва бу харита амалиётга фойдаланиш учун тавсия этилди.

4. Бурмали фундаментнинг маъданли фойдали қазилмаларга оид излаш ишларини олиб бориш стратегиясининг янги йўналиши ишлаб чиқилган бўлиб, у микститли комплексларни, бурмали-узилмали, қопламали структураларни ҳамда уларни кесиб ўтувчи узилмали бузилишларни муфассал ўрганиш ва янги маъданли объектларни аниқлаш мақсадида уларни майдонда кузатиб бориш таклиф этилди.

Прогноз қилиш-излашга оид тадқиқотлар чоғида сурилма остидаги меланжнитик тушувчи узилмали бузилишлар тизими билан туташ участкаларини ўрганиш зарур. Очилган ҳудудлар етарли даражада яхши излаб-чамаланган ҳолларда, чуқурлик бўйича хариталаш ва структуравий моделлеш усуллари билан шундай позицияларни чўкинди ғилофлар билан ёпилган ҳудудларда излаш зарур. Шу билан бирга шуни ҳисобга олиш керакки, тик тушувчи ёриқлар масофадан зондлаш усуллари билан аниқланиши мумкин, шарьянж қопламалари зоналарини аниқлаш учун эса бурмаланиш асоси жинсларини очган қудуқ кертини структура-кинематик таҳлил қилиш лозимлиги ва асослиги амалиётга тадбиқ этиш жойиз эканлиги этроф этилган.

Ўрганилаётган регионнинг ва ёндош ҳудудларнинг геологик тузилишига замонавий қарашларга асосланган, маъданли объектларни излашнинг ишлаб чиқилган тектоник-стратиграфик концепцияси марказий Қизилқумдаги прогноз қилиш-излаш ишлари учун регионал тадқиқотларда муҳим рол ўйнаши исботланган ва уларни кенг қўлаш таклиф қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ, ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И  
ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ  
ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ**

**ОМОНОВ ХАЙИТБАЙ АХМАДАЛИЕВИЧ**

**ГЕОЛОГИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ И РУДОНОСНОСТЬ ГОР  
АУМИНЗАТАУ (ЦЕНТРАЛЬНЫЕ КЫЗЫЛКУМЫ)**

**04.00.02.- Геология, поиски и разведка месторождений твердых полезных  
ископаемых. Металлогения и геохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент – 2018

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.1.PhD/GM21.**

Диссертация выполнена в Институте минеральных ресурсов.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета ([www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Зоя Мусаевна Абдуазимова**  
доктор геолого-минералогических наук

**Официальные оппоненты:** **Исаходжаев Бахтиёр Абдукаримович**  
доктор геолого-минералогических наук, профессор  
**Исоков Максуд Узакович**  
доктор геолого-минералогических наук

**Ведущая организация:** **ГП «Центральная геолого-геофизическая экспедиция»**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного Совета № DSc.27.06.2017.GM.40.01 при институте минеральных ресурсов, институте геологии и геофизики, институтом гидрогеологии и инженерной геологии, институте сейсмологии, национальном университете Узбекистана и Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №\_\_\_). (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.).

**Р. Ахунджанов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени, д.г.-м.н.

**К.Р. Мингбоев**  
Ученый секретарь Научного Совета  
по присуждению ученой степени, к.г.-м.н.

**Х.А. Акбаров**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, академик, д.г.-м.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом масштабе добывающие отрасли столкнулись с проблемой истощения легкодоступных месторождений, когда существенный прирост запасов можно обеспечить за счёт выявления месторождений на перекрытых территориях. В связи с этим разработка теоретических основ и научного обоснования новых направлений поисков месторождений в породах глубоких горизонтов фундамента имеет важнейшее значение.

В настоящее время в мире при прогнозировании полезных ископаемых на перекрытых территориях проводятся научные исследования по анализу геодинамической эволюции и геологической структуры. В частности, в развитых странах мира, таких как Франция, Россия и Канада проводятся подобные научные исследования, геодинамические реконструкции складчатых поясов, выявление основных этапов формирования и особенностей локализации минерального сырья, позволяющие определять перспективы и потенциал объекта. Такой научный подход наряду с повышением достоверности прогнозных построений, будет способствовать эффективному выделению перспективных площадей полезных ископаемых, имеющих промышленное значение.

